

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 184 (11.245) Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР БОИС ҲАМ УЛАРНИНГ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДАГИ ҲИССАСИ ОРТИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, КИЧИК КОРХОНАЛАРГА ЎРНАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ДАСТОНЛАР САМАРАСИ СИФАТИ ВА РАҚОБАТГА ЧИДАМЛИ МАҲСУЛОТЛАРДА ЎЗ АКСINI ТОПМОҚДА.**

### Хусусий бизнес

## САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИЛМОҚДА

Ички бозорда ўз ўрнини топиш баробарида, хорижий буюртмачиларни ҳам жалб этиш, экспортни йўлга қўйиш мақсадида интилаётган «NURAFSHON NUR» хусусий корхонаси тадбиркорлари Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлол айёмини кўтаринки руҳда нишонлаб, буюртмаларни тез ва соз адо этишмоқда, янги-янги моделлар устида ишлашмоқда.

— Бугунги кунга келиб корхонамизда тайёрланаётган махсус иш кийимларининг турлари 1000 хилдан ҳам ортиб кетди, — дейди корхона раҳбари Мухаббат Тошмухамедова. — Бир неча йил хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиб тажриба тўпладик ва ўтган йилдан бошлаб фирмамизни ташкил этдик. Корхонамизда 30 нафар хотин-қизлар меҳнат қилиб, улар учун қўлай меҳнат қилиш ва яхши дам олиш шароитларини яратиб берганмиз. Шу боис бўлса керак, ишда сифат ва самарадорликка эришилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, буюртмачилар учун қўлайлик яратиш мақсадида корхонада кўрғазмалар зали ташкил этилган бўлиб, у ердан янги моделдаги махсус кийим-кечак ҳамда пойабзаллар ўрин олган. Буюртмачиларнинг талаб ва тақлифлари инобатга олинган ҳолда уларга янги моделлар тақлиф этилади ва хоҳиш истагида кўра дизайнига ўзгаришлар киритилади.

Буюртмачилар билан ишлашда уста ди-



меҳнат қилаётган касаначилар керакли ашёлар билан таъминланган.

Утган қисқа давр мобайнида «Шўртангаз» кимё мажмуаси, «Каттакўрғонғейм» комбинати, Тошкент шаҳар электр тармоқлари, «Тошкентшаҳарнур» корхоналари, «ГАБУС-5» қурилиш ташкилоти ва бошқа шу сингари асосий тадбиркорларга қўлай ва чидамли, кўркам иш кийимлари тижиб берилди. Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги авария-тиклаш бошқармасининг буюртмалари вақтида бажарилди. Тендерда иштирок этиб ғолиб бўлган тадбиркорлар «Шўртангаз» кимё мажмуаси ишчи-хизматчилари учун 4800та ёзги иш кийимлари тайёрлаб беришди. Албатта, корхона ходимлари қишки махсус либослар учун ўтказиладиган тендерда ҳам ғолиб чиқишини ният қилишмоқда.

Республикамиз Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Ириқ сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўйиш ниятида бўлган тадбиркор раҳбар Мухаббат Тошмухамедова 14 нафар касаначи-ишчи ўринлари яратди. Уйда ўтириб

Тадбиркорлар изланишлар асосида келгусида махсулотлари экспортни йўлга қўйиш мақсадида Хитой давлатидан янги дастгоҳ ва машиналар келтиришни кўзда тутишмоқда. Шу асосда махсулот сифатини ошириш, турларини кўпайтиришга эришилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА:** чеварлар тайёрланаётган махсус иш кийимлари сифатини таъминлашда муносиб ҳисса қўшишмоқда. **Козим Улмасов** олган суратлар



лари олиб борилади.

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИГА ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва бир қатор мутасадди ташкилотлар томонидан ҳамкорликда сиз, азиз ёшларга касбингиз, мутахассислигингиз ёки қизиқишингиз бўйича ўзингизга маъқул бўлган ишга йўналма олишингиз учун қўлай имконият яратиш мақсадида шу йил 23-24 сентябрь кунлари пойтахтимизнинг ҳар бир туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда, яхши маълумки, ўсиб келаётган авлоднинг баркамол бўлиб воёга етиши, фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим олиши, иқтидорини намоён этиши, эгаллаган касбини буйича жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган.

Жумладан, 2008 йил — Ёшлар йилида ҳам бу борадаги Давлат дастурига асосан олий ўқув юрлари, касб-хунар коллежлари битирувчилари, маҳаллаларда банд бўлмаган ёшларни ва барча ишлаш истатгани билдирган аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш устувор қилиб белгиланди.

Шунга мувофиқ ёшларни, айниқса битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилнинг март ойида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий

ва ўрта таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Касб-хунар коллежларини 2007-2008 ўқув йилида битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар» режаси тасдиқланди.

Бу борадаги белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан қўллаб амалий тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу йўналишдаги тадбирларни давом эттириш мақсадида ҳамда мамлакатимиз Президентининг «Ноқонуний одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, унга асосан тасдиқланган махсус миллий тадбирлар режаси ва шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар Одам савдосига қарши курашиш идоралараро комиссияси, туман ҳокимликлари, бандлик хизматлари, воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура идоралари ҳамкорликда шу йил 23-24 сентябрь кунлари туманлар миқёсида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиши режалаштирилди.

Аънаана кўра, ярмаркада шахримиздаги қўллаб қорхона ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий

Утказиладиган ярмаркани юқори савияда ташкиллаштиришга эришиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ва, ишончимиз комилки, қўтилган самарали натижаларга албатта эришилади.

Қадрли ёшлар, сизларни 2008 йил 23-24 сентябрь кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзиллар бўйича ўтказиладиган бўш иш ўринлари ярмаркасига яна бир бор тақлиф этиб қоламиз.

**Бадриддин КАМОЛОВ, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи**

### 2008 йил 23-24 сентябрь кунлари Тошкент шаҳри туманлари миқёсида ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаси манзиллари:

- 23 сентябрь кунли**  
Учтепа тумани — туман ҳокимлиги биноси, Фарҳод кўчаси, 21. Мирзо Улугбек тумани — Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, Абдулла Қодирий кўчаси, 21. Собир Раҳимов тумани — туман ҳокимлиги биноси ёни, Қорақамиш кўчаси, 1. Ҳамза тумани — Авиасозлар саройи, Лисунов кўчаси, 2-мавзе. Чилонзор тумани — Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи. Шайхонтоҳур тумани — Ўзбек Давлат цирки фойдеси, Фафур Фулом кўчаси, 1. Юнусобод тумани — Ўзжеспармак, Амир Темур шоҳқўчаси, 107.
- 24 сентябрь кунли**  
Бектемир тумани — «Астробод» гузари, Роҳат кўчаси. Миробод тумани — Темирийўлчилар саройи, Амир Темур шоҳқўчаси. Сергели тумани — Бахтиёр уйи, Янги Сергели кўчаси. Яққасарой тумани — «Қушбеги» мажмуаси, «Қушбеги» мавзеси.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Қ.Р.БЕРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қобул Раимович Бердиев Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлансин ва шу муносабат билан у мудофаа вазирининг ўринбосари-Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округи кўшинлари кўмондонлиги вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2008 йил 17 сентябрь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Р.Э.МИРЗАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Руслан Эркинович Мирзаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2008 йил 17 сентябрь

## Кечка сатрларда

- **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида фаоллар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган семинар Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси масаласига бағишланди.
- **КЕЧА** шахримизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Республика «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ташкил этилган «Келажак овози» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.
- **КЕЧА** Тошкент шаҳар Савдо-сановат палатасида ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, банк соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида уларга яратилган шароитлар, чет эл инвестицияларини юртимизга кўпроқ жалб этиш масалаларига бағишланди.
- **КЕЧА** Тошкент шаҳар болалар ижодиёт марказида уюштирилган «Очик эшиклар кунли» тадбирида шахримиз мактабларининг ўқувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.
- **БУГҲУН** Ўзбекистон Ёшлар театри ўзининг янги мавсумини «Еттинчи хикоя» спектакли билан очди.
- **КЕЧА** шахримизда давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат-нотижорат жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида давлат тузилмалари ҳамда нодавлат-нотижорат жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** шахримизда нефть ва газ қудуқларини бурғулаш ва таъминлаш масалаларига бағишлаб халқаро анжуман ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё ва Европа ўртасида Марказий Осиё орқали автомобиль алоқасини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси ҳамда Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилди.
- Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чирчиқ автомобиль мактаби базасида минтақавий кенгашлар раислари ва уларнинг ҳарбий-техник тайёргарлик бўйича ўринбосарлари ҳамда ўқув муассасалари бошлиқлари иштирокида ўқув-услубий анжуман ўз ишини бошлади.
- Республика Байналмилал маданият марказида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Темирийлар тарихи Давлат музейида «Марказий Осиё халқларининг XX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий ҳаёти» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.
- Андижон шаҳрида «Кўзи ожизлар кутубхоналарида методик ёрдамни ташкил этиш ва тақомиллаштириш масалалари» мавзусида республика семинари ўтказилди.
- Гулистон шаҳридаги «Кутбиддин ҳамкор» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ишлаб чиқарилаётган мебель хизматлари ўзининг сифати ва бежиримлиги билан харидорини топмоқда. Корхонада ҳар ойда 15-16 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқаришмоқда.
- Қарши шаҳрида спорт майдонлари учун резина қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ташкил этилди. Корхонанинг дастлабки махсулотлари Қаршидаги Олимпия заҳиралари коллежининг очик спорт майдонларини жиҳозлашда ишлатилади.
- Избоскан туманида иш бошлаган «Тағустекстиль» Ўзбекистон—Буюк Британия қўшма корхонасининг иккинчи навбати — «Пойтутекс» ўзининг дастлабки махсулотларини бера бошлади. Корхонада йилига 4200 тонна калава ип тайёрланади.
- «Ўзстандарт» агентлигининг Наманган стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ҳамда Наманган синов сертификатлаштириш марказида ташкил этилган кўрғазмада вилоятдаги 20 дан ортиқ сановат корхоналари ўзларининг импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп махсулотлари билан қатнашди.
- Навоий вилоятда қишлоқ аҳолисининг ичимлик сувидан баҳрамандлигини тубдан яхшилашга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Умумий қиймати 17,9 миллион АҚШ долларлик ушбу лойиҳанинг 12,5 миллиони Осиё Тараққиёт банки ҳисобидан, қолган қисми эса республика бюджетидан молиялаштирилади.
- Жиззахдаги мева ва сабзавотни қайта ишловчи «Золотая антилопа» хусусий корхонаси ўз махсулотларини Россия, Қозоғистон ва Беларусь давлатларига экспорт қилиш ҳақида шартномалар тузди.

## ЖАҲОНДА

- «Reuters» ахборот агентлиги тарқатган хабарига кўра, Лос-Анжелес шаҳрида «Metrolink» компаниясига тегишли бўлган йўловчи ва юк поездлари бир-бири билан тўқнашиб кетган. Воқеа жойида 25 киши ҳалок бўлган ва 136 нафар одам турли даражада тан жароҳати олган.
- ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Куба Европа Иттифоқининг сиёсий мулоқот олиб бориш тўғрисидаги тақлифига рози бўлган. Бу ҳақда иттифоқнинг Гаваидаги вакили Хавьер Нино маълум қилди.
- Исроил Бош вазир Эхуд Олмерт ва Фаластин миллий мазмурияти раҳбари Махмуд Аббос яқин орада тинчлик музокараларини давом эттиришини маълум қилди. ИТАР-ТАСС хабарига келтирилишича, бунга икки етакчининг Қуддусда бўлиб ўтган учрашувида келишилган.
- Франция Президенти Никола Саркози дунё ҳамжамиятини «денгиз полициясини ташкил этишга чақирди, деб хабар беради, ИТАР-ТАСС. Бунинг асосий сабаби Сомалига қарашли сув ҳудудларида қароқчилик ва терроризмнинг авж олиб кетганлигидир.
- Компьютер ишлаб чиқарувчи энг йirik компаниялардан бири — «Hewlett-Packard» яқин уч йил давомида 24 минг 600 нафар ишчи ўрнини қисқартириш ниятида. Компания бош директори Марк Херднинг фикрича, маъзур қадам ҳар йили 1,8 миллиард доллар миқдоридидаги маблағни тежаш имконини беради. Қисқартиришнинг тенг ярми компаниянинг АҚШдаги корхоналарига тўғри келади.
- Европарламентнинг транспорт воситалари бўйича кўмитаси Европа Иттифоқининг бу ҳудудда йўл ҳаракатини бузганларга яғона жарима тизимини жорий этиш дастурини маъқуллади. 2007 йил Европа Иттифоқи йўлларидидаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жами 43 минг киши ҳалок бўлган.



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА БИНОАН ПОЙТАХТИМИЗДА 19-20 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ "ЁШЛАР БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ХАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР" МАВЗУИДА ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёшларнинг жамиятимиздаги ислохотлар жараёнида фаоллигини янада ошириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш ва Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-илмий салоҳияти билан мамлакатимиз ёшларини яқинроқ таништиришдан иборат.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган ва-

зифаларга ҳамоҳанг тарзда ташкил этилаётган ушбу тадбир катнашчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида, Миллий университет ахборот-ресурс марказлари ва музейларда бўлиб ўтди. "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида яратилган қулайликлар билан танишадилар, тенгдошлари билан спортнинг турли йўналишлари бўйича беллашадилар.

Шу кунларда Миллий университетнинг 90 йиллиги муносабати билан университет факультетлари, талабалар турар жойлари, маънавият ва маърифат марказларида ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси стадионида бўлиб ўтган тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Мухамедов улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар ўз салоҳиятини тўла намоён этиши учун барча имкониятларни яратишга қаратилаётган улкан эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Университет талабалари ўртасида футбол, волейбол ва баскетбол бўйича мусобақалар уюштирилиб, санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ" КИТОБИ ИНСОН ВА ТАБИАТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КЕЛАЖАК ЭГАЛАРНИНГ АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ЭЪТИРОМ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ ҚЎЛЛАМ БЎЛМОҚДА.

"Экосан" халқаро ташкилотиди "Юксак маънавият – экологик барқарорлик омили" мавзусида ташкил этилган тадбирда ана шу ҳақда гап борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

"Экосан" халқаро ташкилот раиси У.Шодиметов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати С.Тургунов, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов ва бошқалар таъкидлаганидек, халқимизнинг бебаҳо тафакури махсули бўлган миллий қадриятларимиз замирида табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, сув, ҳаво, tupроқ ва бошқа табиий ресурсларни эъзозлашга ишончли кўплаб анъаналар шаклланиган.

Ана шундай бебаҳо қадриятларимизнинг бири — ҳашар мустақиллиги йилларида янада янгилаш ва мазмун касб этди. Бундан ташқари Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарлари пайтида маҳалла ва гузарлар, йўللар ва майдонлар, боғу рўғлар тартибга келтирилиб, дов-дарактлар ўқазиллиши, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга ва бошқа эҳтиёжманди инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилишида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда сайёрамизда рўй бераётган глобал экологик муаммоларни бартафари этишда, экологик дунёқараши ва маънавий тафакури янада бойитишда, келажак эгаларини табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашда бундай қадриятлар бекиб ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Бу борада «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида қайд этилган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этишда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга ошириладиган ишлар ҳусусида фикрлашилди.

ЎЗА

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК, КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ УЛГАЙИШЛАРИ УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИ, АЙНИҚСА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, МАХСУС МАКТАБЛАР МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ЭНГ МУҲИМ ВА ЖИДДИЙ МАСАЛАГА АЙЛАНДИ.

2008 — Ёшлар йили

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Яқинда шахримиздаги 208 -умумтаълим мактабиди Мирзо Улуғбек туман халқ таълими ҳамкорлигида «Сарҳисоб ва режалар» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда, тумандаги мавжуд 33 та мактаб ҳамда махсус мактабларнинг раҳбарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ёрдамчилари, маҳалла фаоллари ва ота-оналар иштирок этдилар.

Тадбирда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури вазифаларини амалга ошириш жойи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш, энг юқори замонавий талабаларга мос келадиган ўқув моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш, педагог кадрларнинг савиясини юксалтириш, дарс ва машғулотлар жараёнида замонавий дарс, илғор педагогик технологиялардан умумий фойдаланган ҳолда ёшлар онгига зарурий bilimларни моҳирона сингдириш мавзусида сўз борди.

Шунингдек, анжуман доирасида,

ўқувчи-ёшларни соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида болалар спортини янада такомиллаштириш, капитал таъмирдан чиқарилган янги ўқув лаборатория жиҳозлари билан жиҳозланган 221, 205, 27, 248, 209 ҳамда 286- мактабларни ихтисослаштирилган мактаб даражасига тайёрлаш борасидаги режалар борасида сўз борди.

— Мустақиллик шарофати боис мамлакатимизда таълим тизимига олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳияти келажакимиз бўлган ёш авлоднинг эркин фикрлай оладиган, мустақил дунёқарашига эга бўлган, ҳар томонлама соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол киши шаклига эга бўлишига эришиш учун, уларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган, — дейди Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими мудири Анвар Набиев.

— Зеро имли, дунёқараши кенг, тафакури тўлиқ ёшларга эга давлатимиз буюк ва қудратли бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Биз педагоглар ҳам ёшларнинг билим-

ли, изланувчан, интилувчан, доно ва зукко фарзандлар қилиб тарбиялашда ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз, уларнинг ана Ватан олдидаги бурчларини янада тўлиқроқ англашга, қадриятларимизни қадрлашга, анъаналаримизни улғушлашга ўргатиб боришимиз лозимдир. Ўсим келаятган ёш авлоднинг ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмаслиги, уларнинг гивандлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик қўчаларига кириб кетмаслиги учун таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз шарт. Бинобарин мамлакатимиз тараққиёти, юрт фаровонлиги, ривожланиши ва келажак ана шу ёшлар қўлидадир...

Анжуман доирасида таълим самардорлигини янада ошириш, ижодий муҳитни яхшилаш борасида турли хил машғулотлар ҳам олиб борилди. Мактаблар орасида ўзаро алоқаларни мустақамлаш, турли хил ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказиш режалаштирилди.

Савол-жавоб, мунозара, мулоҳаза ва турли фикрларга бой тарада аюланган анжуман барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: анжуман лавҳа.



Ҳали 30 ёшга ҳам тўлганим йўқ. Лекин ҳозирданок бошимда сочларим каммайиб кетяпти. Бундан азият чекаман...

Солиҳжон Ақромов,  
Шайхонтоҳур тумани.

Дерматолог шифокор Э.Аслиддинов жавоб беради:

— Статистика маълумотларга қараганда, аёлларнинг атиги 6 фоизи танлайдиган умр йўлдошининг сочига эътибор қиларкан. Қолганлари эса бунга мутолақа аҳамият беришмас экан. Боз устига, ҳар бешинчи француз аёли тепакаллари бошқа эркеклардан афзалроқ кўриб, уларни жасур ва бақувват кишилар бўлади, деб ҳисоблашаркан. Шифокорлар ҳам бу фикрга қўшилишда ви мижознинг бақувватлиги сочининг тушишига сабаб бўлишини таъкидлашади.

Сочлари тўқилаётган эркекларга далда бериш учун яна шуни айтиш керакки, дунё аҳлининг оқ танли қисмига мансуб кишиларнинг ҳаммаси, шу жумладан, аёллар ҳам бу муаммодан четда қолишмаган. Баъзи тадқиқотлар натижаларига қараганда, кейинги асрда эркекларнинг тўртдан уч, аёлларнинг учдан бир қисми тепакаллика дучор бўлармиш.

Агар рекламаларга эътибор берсангиз, ҳозир сочни кўчат қилиб ўтказиш йўли билан сизнинг ташвиш-ингизини енгиллатишга даъватларни эшитасиз. Демак, умидсизликка тушишининг ҳожасти йўқ.

Мен кеч ётишга ўрганганман. Лекин янги ишга ўтганимдан сўнг яқиндан бери эрта туришга тўғри келяпти. Бунинг эса уйдасидан чикишим қийин бўляпти. Уйқутираб юраман. Ёрдан беришининг иложи борми?

Содиқжон Олимтоев,  
Собир Раҳимов тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди У. Шомуродов жавоб беради:

— Яхшиси, эски одатингиз бўйича яшайверганингиз маъқул эди. Бунинг учун ишингизни яна ўзгартиришингизга тўғри келади.

Мабодо, ҳозирги ишингизни кўзингиз қиймаси, аввало дори-дармонларсиз мақсадга эришиш йўлини тутишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун биоритмик усуллар мажмуидан фойдаланасиз. Улар уйқуга кетиш вақтингизни анча олдинга суришингизга ёрдам беради. Уйқунинг бузилиши бўйича мутахассис шифокорлар бу борада аниқ маслаҳатлар беришади.

Дори-дармон билан уйқу вақтини қулай вақтга кўчириш учун эса, бир мунча вақт уйқу дориларидан фойдаланишга тўғри келади. Секин-аста янги тартиб кўникмаси ҳосил бўла боради. Айни пайтда кундуз кунлари ухламасликка ҳаракат қилинг. Айниқса, кечга яқин ҳатто бир зумгина «мудраб олсангиз» ҳам уйқуга кетиш вақтингиз яна орқага сурилиб кетади.

Яқинда эшак миниб баскетбол ўйнайдиган спортчилар ҳақида эшитиб қолдим. Шу ростми?

Зерали Бахчиев,  
Чилонзор тумани.

WWW.AIF.RU интернет сайти хабарига кўра, 35-40 йиллар чамаси олдин океан ортида бу ўйин жуда оммавий ҳисобланган. Номидан ҳам сезиб тургандирсиз, спортнинг бу турида рақиблар эшак миниб баскетбол ўйнашган.

Баскетболнинг бу турини америкаликлар данкибол деб аташади. Бу ўйинда ҳар бири тўрт кишидан иборат иккита жамоа иштирок этади. Уйиннинг мақсади одатий баскетболдагидай бўлиб, тўпни тўрага туширишдан иборат.

— Эшак баскетболи энг аввал олган даврлар ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келган, — дея ҳикоя қилади АКШ даги данкибол бўйича энг йирик спорт зали соҳибни оғайолик Жек Спейсер. — 30 йил давомида шу залда йилга 1300-1400 ўйин ўтказиларди. Яъни кунига 4 мартадан мусобақалар уюштириларди.

Ж.Спейсернинг айтишига қараганда, кейинчалик спортнинг бу турига қизиқиш пасайган, ҳомийлар ҳам топилмаган. Жониворларга раҳм-шафқат билан қараш ташкилоти ҳам эшак баскетболи ўйинчилари бу ювув ҳақиқатларга шафқатсиз муносабатда бўлишда деб, данкиболга қарши чиққан.

Бирок, Жек Спейсер ҳам, ўйинчилар ҳам баскетболчи эшаклар фермалардаги «қариндошлари»дан яхшироқ яшашганини таъкидлашган.

Жарроҳлик тиббиёти вужудга келиши одамлар умрини узайтиришда муҳим босқич бўлгани маълум. У қачон бошланган?

Зулайхо Қаҳҳорова,  
Сергели тумани.

Немис археолог олимларининг тарқатган хабарларига кўра, етти минг йил олдин яшаган тош асри одамлари ҳозирги замон мезонлари билан ҳам анча мураккаб ва жиддий жарроҳлик операцияларини бажаришган экан. Қадимги аждоқларимиз тошлар билан бир-бирларининг бошларини ёрибгина қолмай, мураккаб жарроҳлик операцияларини ҳам уйдлашган.

Эрамининг 5000-4200 йиллари оралиғида Саудия Арабистони ярим оролида яшаган кўчманчилар бош суягини пармалаб тешиб, жарроҳлик амалиётини бажаришни билишган. Немис олимлари қадимги одамлар кўрғонларидан бири бўлган Жебел ал-Бахис деган жойдаги қазилма ишларидан сўнг шундай дадил баёнот билан чиққанганди.

Антрополог Энрике Кисеветтес бошчилигидаги олимлар гуруҳи қабристонда шубҳасиз мураккаб жарроҳлик операцияси излари қолган калла суягини топишган. Албатта, у вақтларда жарроҳлик асбоблари бўлмаган. Шунинг учун ҳам арабларнинг қадимги аждоқлари бундай операцияларда ўткир учли тошлардан фойдаланишган.

Тош асри нейрохирурглари дастлаб терини кесиб, кейин калланинг ўнг томонида гоът эҳтиёткорлик билан тешик очиб, операцияни бажаришга киришилган. Оғриқни сездирамаслик учун анестезия хусусиятига эга бўлган бирор ўсимликдан фойдаланган бўлишлари керак.

Олимлар фикрича, ушбу операция Ер юзасида ўша вақтларда ўтказилган энг мураккаб операция бўлиб, у муваффақиятли ўтган. Олимлар суяк тўқималарининг ўсганини аниқлаб, шу асосда бемор операциядан кейин камида икки йил яшаган, деган хулосага келишди. Ҳозир бу ноёб калла суяги Германияда чўқур ўрганилмоқда.

«Туркистон-пресс»

АЛОҚА ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

EVO SAVDO TAMGASI OSTIDA FAOLIYAT YURITAYTGAN SUPER iMAX kompaniyasi Ўзбекистонлик мижозларига алоқа хизматида янги технологияларни тақлиф этмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида янги технология хисобланган бу хизматда мижозлар Интернетга симсиз уланиш ва текзор ҳамда қулай мобил алоқага чиқиш имкониятига эга бўлишади. Синув жараёни муваффақиятли яқунланди ва бу янгиликдан пойтахт ахли, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари аҳолиси ҳам фойдалана бошлади.

Тизимдаги бу янги технология айниқса, чекка ҳудудларда, яъни телефон симлари етиб бормаган ёки ўзини оқламайдиган минтақаларда катта қулайлик яратади. Сабаби биргина асбоб-ускуналар мажмуасининг ўрнатилиши симсиз телефон алоқаси, интернетга уланиш ва корпоратив сетни таъминлай олади.

— Ўзбекистон ахли компаниямиз янги хизмат туридан жаҳонда биринчилардан бўлиб баҳраманд бўлмоқда, — дейди Super iMAX компаниясининг бош директори Чо Сунг Кил. — Бу технологияларни АКШ ва Корея ҳудудларида шу йилнинг октябрь ойидан жорий этишни режалаштир-

ганмиз. Япония ва Россия ҳудудларида эса келгуси йилдан бошлаб бу хизмат турлари амалда бўлади. Компаниямиз мамлакатингиз ҳудудида янги технологияларни жорий этиш борасида узок мuddатли лойиҳаларни режалаштирган. Яъни, тизимдан олинаётган фойдани уни янада ривожлантиришга йўналтирамыз. 2009 йилда компаниямиз томонидан тақлиф этилаётган хизмат турларининг Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига етиб боришини кўзлаб турибмиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Super iMAX компанияси 2007 йилда алоқа ва ахборотлаштириш тизимида дунёда етакчилардан хисобланган, Корея-Япония кўшма корхонаси — «Korea Telekom» ва «Sumitomo Corporation» ҳамкорлигида ташкил этилган. Жорий йилда компаниянинг ривожини учун ўн миллион доллар миқдорда инвестиция ажратилган бўлса, 2009 йилда бу миқдор 10 миллион доллардан ҳам кўпроқ бўлиши кўзда тутилган.

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ФОРУМИ» ЖАМФАРМАСИ ВА «МЕХР НУРИ» ЖАМФАРМАСИ ТОМОНИДАН ТЎРТ ЙИЛДАН БУЁН ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИ ДАСТУРИ АМАЛ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. ЖОРИЙ ЙИЛДА ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИ ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ХОҲЛОВЧИ ТАЛАБАЛАР Сони 1300 тани ташкил этди.

ДОИМО ЭЪТИБОРДА

сўнгра уларнинг лойиқ топилганлари голибларни аниқлашда муҳим ўрин тутадиган суҳбатга қақрилади. Ҳақамлар талабаларнинг энг муносибларини танлашда нафақат билим савияси ва етакчилик қобилиятини, балки уларнинг танлаган касбларига меҳрини, уни ривожлантиришга иштиёқи ва номзодларнинг ижтимоий аҳолини ҳам ҳисобга олишади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу таълим грантлари соҳибларининг сафи йилдан-йилга кенгайиб борапти. 2005 йилда уларнинг сони 28 та, 2006 йилда эса 44 тага етди. Улардан 18 нафари эса кейинги босқичда ҳам грант асосида ўқиш имконига эга бўлди. Ўтган йили эса мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 62 нафар талаба грант соҳибига айланди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон савдо-саноат палатасида хитойнинг гуанчжоу шаҳрида жорий йилнинг ўн бешинчи октябрида очиладиган халқаро каттон кўргазмасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбир чоғида мамлакатимиз тадбиркорларига Хитой халқ республикасида ўтадиган кўргазмада иштирок этиш шартлари, унда намоиш этиладиган товар ва маҳсулотлар ва унинг аҳамияти борасида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, илгари ўтган халқаро кўргазмалар тўғрисидаги видео лавҳалар намоиш қилинди. Хитойлик мутахассислар томони-

дан ушбу кўргазмада иштирок этишни таъбиркорлар қўлга киритиши мумкин бўлган имкониятлар ҳусусида ҳам ахборот берилди.

Халқаро Каттон кўргазмали-ярмаркаси анъанавий анжуман бўлиб, дунё тадбиркорлари ўртасида ўқори нуфузга эга. Махсулотлар ассортиментининг хилма-хиллиги, қамров доирасининг кенглиги ва кенг қира-

сулотлари, сувенир ва совға қилишга мўлжалланган товарлар, соат ҳамда оптика кабилар намоиш этилади. Кийим-кечак, жун ва теридан тайёрланган маҳсулотлар, гилам, озиқ-овқат, тиббиёт ва идора анжомлари эса учинчи бўлимда жалланади.

Мамлакатимиз тадбиркорлари орасидан ушбу кўргазмали-ярмаркада иштирок этишларини танаб олиш ишлари жорий йилнинг август ойида бошланган эди. Бу эътибордан савдо-саноат палатаси «SSP-Exprocontact» ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

сўлотлари, сувенир ва совға қилишга мўлжалланган товарлар, соат ҳамда оптика кабилар намоиш этилади. Кийим-кечак, жун ва теридан тайёрланган маҳсулотлар, гилам, озиқ-овқат, тиббиёт ва идора анжомлари эса учинчи бўлимда жалланади.

Мамлакатимиз тадбиркорлари орасидан ушбу кўргазмали-ярмаркада иштирок этишларини танаб олиш ишлари жорий йилнинг август ойида бошланган эди. Бу эътибордан савдо-саноат палатаси «SSP-Exprocontact» ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

«Туркистон-пресс»

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Пок аёллар ўзга номахрамга қўймас эътиқод, Ўзга бир мардни севиб, қилмас эрини номурод. Хотиннинг гар бўлса покдоман, кўнгул тўқ тут, Дунёда сен эр учун бахт бўлмагай бундан зиёд.

Йигит, оёқ тойишидан ўлмайди, Суяксиз тил тойишидан ўлади.

Гуноҳдор айбига бўлганда иқроқ, Кечар. Одилларнинг адолати шу.

Фамингни элга ёйиб, бошқаларни кўрkitма.

Мақсадга эришмоқ учун аввал бошдан-соғлик ва саломатлик керак.

Жафо билан қийналган кишининг давоси — маҳбубининг вафоси.

Фамгин кўнглини овлаб қўмаклашувчиси, хафалик сабабли уйқусизлиги қарши ёрдам берувчиси йўқ киши кундузи алангада, кечаси азобда.

Ташналикни сув қондирмас, ёр висоли қондирар.

Дахшатли эмасдир ташналик, очлик, Дахшатлир бевафо ёрга муҳтожлик!

Сир — қулф бўлса, қулф қалити — инсон тили саналур, Сир сақланур энг ишончли, содиқ инсон тилида. Дунёда энг пок бир нарса — инсон дили саналур, Сир ўғирлар бўлса агар душманлиги дилида.

Кўз ёш қайда дардни ювиб кетади?

Дард бўлмаса, ҳеч ёш келмас кўзларга.

Кишининг мижози ва табиати бузилганда насихатни тингламайди.

Бозорчининг диди ҳар хил, ҳар хилликдан ким ранжир? Биров истар қора анжир, биров истар оқ анжир.

Айнитолмас ҳеч бир қудрат чин ишқ бўлса ҳар кимда. Бало тоғи, ўтли тўфон тўсганда ҳам чекмас ғам.

Бир масалада ишнинг оқибатини кутмаган кишига замон ошна бўлмайди.

Кейинги пушаймон кишига душман бўлади.

Бир ўлвучи элдан ажраб кетишига йиғласа, Бир ўлвучи йиғлар йиққан ўлимтик мол- дунёга.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.



Келагагимиз илмли, касб-хунарга интилган ёшлар кўлида.

ТЕАТРДА ЯНГИ МАВСУМ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИНИНГ САКСОН БИРИНЧИ МАВСУМИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Театрнинг ижодий раҳбари Наби Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, навбатдаги мавсумда, анъанавий саҳна асарлари қаторида, жаҳон классикалари ижодига мансуб халқаро фестивалларда юқори баҳоланган спектакллар ҳам намойиш этилади.

Хорижлик ва россиялик драматург ва ижодкорлар асарларига эътибор қаратишнинг сабабларидан бири келгуси йилнинг мартада театр жамоаси Россияга ижодий сафар қилишни режалаштирган. Сафардан асосий мақсад эса Саранск шаҳрида ўтадиган драматик театрларнинг халқаро фестивалида иштирок этишдир. Бундан ташқари Ёшлар театри жамоаси апрель ойида Санкт-Петербургда ўтадиган «Россия билан учрашув» фестивалида ҳам қатнашади.

Янги мавсумда жамоа қатор лойиҳалар тақдирини ўтказишни ҳам режалаштирмоқда. Жорий йилнинг октябрда Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Teater und Schule» («Театр ва мактаб») немис дастури кенг омма эътиборига ҳавола қилинади, шунингдек, келгуси йилнинг февралда Ёшлар театри қошидаги драматургия санъатининг мактаб-студияси тақдироти бўлиб ўтади.

«Туркистон-пресс»

Кунлардан бир кун

ЭНГ ОҒИР ЖАЗО

Бозор иқтисодиёти шароитида фарзандларнинг инжиқлиги, айниқса овқат танлаши оилада кўп асаббузарликларга сабаб бўларкан. Э, борига шукр қилиб, оингн пишириб берган нарсани индамай туширавермайсанми зумраша, дейсиз хит бўлиб. Аммо қани энди улар буну тушуниша...

Болаларимнинг мижози — табиати жуда ноёб. Бошқа овқатларни қўя турайлик, хатто гўштни, айниқса қўй ёғини мутлақо ёқтиришмайди. Оғайнилар ҳазиллашиб жуда замонабоп болалар экан, ортиқча сикилманг, дейишади.

Кунлардан бир кун ўғилларим — уч оғайни ботирлар (ўшанда улар ёш болакайлар эди) қовун тушириб қўйишди. Яхшигина туширишди. Жуда жаҳлим чиқди. Қаҳру зуғум

ила оилавий мажлис қақриб, муҳокамани бошладим. Важаҳатимдан от ҳуркийди. Демократия аввало оиладан бошланиши керак. Шунинг учун айбдорларнинг гуноҳларини бўйнига қўйгач, жазо чорасини ҳам ўзларига ҳавола этдим. Бу борада ҳар ким ўз фикрини очиқ айтишини талаб қилдим.

— Жазолаш жуда зарур бўлса, майли акаларимни омаборхонага озроқ қамаб қўйинг, — дея тақлиф қилди оиланинг кенжаси — қизим Анара. — Хўш, яна қандай тақлиф бор? — дедим сир бой бермай. — Аскарча камар билан орқамизга бир-икки уриб қўйсангиз ҳам бўлади, — дейди ўртанча ўғлим Алишер. — Буняман ўйлаб кўрамиз, хўш яна-чи? Ўғилларнинг шумроғи ва удабуронроғи — «кенжаботир» — Асил тақлиф қилган жазо ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. У ўйлаб ҳам ўтир-

май, шартта гапирди-қўйди. — Айбдорларнинг ҳаммасига мажбуран қўй думбаси едириш керак! Беихтиёр қулиб юбордик. Орадаги ғуборлар ҳам шу сэмимий қаҳқаҳа билан тарқаб кетгандек бўлди.

АСАБЛАР ТАМОМ БЎЛГАН

Тишим оғриб, маҳалламиздаги қўли енгил дўхтиримиз Назирахонга шифо истаб чиқдим. Дўхтир ортиқча қийнамай, осонгина «пломба» қўйиб қўйди. Уйга келсам, катта ўғлим Азамат сўраб қолди: — Дарвор «пломба» қўйдириб келдингизми? — Ҳа, тез бўлди. — Олдин «нерв»ларни ўлдириб, кейин қўярди-ку! — «Нерв»ларни ўлдиришга ҳожат йўқ, уларни силлар аллақачон ўлдириб бўлган эканисиллар! — дедим. Маъза қилиб қулишдик. Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган

«02» хабарлари

● Шайхонтоҳур туманида 44 ёшли ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи Дилбар исмли аёл, таниши 36 ёшли уй бекаси, шу туманда яшовчи Доно исмли аёлнинг ишончига кириб, унинг онаси 63 ёшли нафақахўр, шу туманда яшовчи Раъно исмли аёлни «Ҳаж сафарига юбораман» деб алдаб, 3.400 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермаган. ● С.Раҳимов туманида жойлашган қушхоналардан бирида 27 ёшли ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи Маҳмуд исмли шахс, 32 ёшли ҳеч қаерда ишламайдиган, Қашқадарё вилоятида яшовчи Жамшидга «қўй гўштарини сотиб бераман» деб алдаб, унинг 6.553.000 сўмлик гўшт маҳсулотларини олиб кетиб, сотиб олиб, пулларини эса қайтариб бермаган. ● Жиззах вилоятида яшовчи 1959 йилда туғилган Бахтиёр Ишназаров, Чилонзор туманида яшовчи 1963 йилда туғилган, хусусий фирмалардан бирининг раҳбари Мансур Юсуфовнинг уйда унинг ишончига кириб олиб, унинг Россия Федерацияси Сочи шаҳридаги хонадонини 20.000 АҚШ доллари унга расмийлаштиришга ваъда бериб, Мансурнинг 20.000 АҚШ долларини олиб, узоқ вақтгача қайтариб бермасдан яшириниб келган. Жабранувчининг Чилонзор туман ИИБга берган аризасига кўра, жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган қидирув тадбирлари натижасида фирибгар Бахтиёр ҳибсга олинди. ● Ҳамза туманида жойлашган мактаб биноси олдида, 1976 йилда туғилган, ишламайдиган, Тошкент вилоятида яшовчи Пак Константин, 1981 йилда туғилган, ишламайдиган, Жиззах вилоятида яшовчи Абдурауфнинг ишончига кириб, уни «Корея давлатида заводда ишчи бўлиб ишлайсан», деб алдаб 4.500.000 сўм пулларини олиб кетиб, яшириниб келган. Жабранувчи Абдурауф Ҳамза туман ИИБга ариза билан қилган мурожаатидан сўнг, жиноят қидирув тезкор ходимларининг олиб борган қидируви натижасида, фирибгар Кон-

стантин навбатдаги ана шундай фирибгарлиги устида далилий ашёлар билан қўлга тушди. ● Яққасарой туманида яшовчи, муқаддам судланган, 1974 йилда туғилган Фарриддин ва унинг жиноий шериги шу туманда яшовчи 1973 йилда туғилган Хусниддин исмли шахслар ўзаро жиноий тил бириктириб, Чилонзор туманида яшовчи таниши 1969 йилда туғилган Гулчехра исмли аёлни турли ваъдалар билан ишончига кириб, туман нотариал идораси ичиде бўла туриб, «лицейлардан бирига раҳбар лавозимига ишга жойлаштириб қўямиз» деб алдаб, 10.000 АҚШ долларини олиб кетиб, қайтариб бермасдан яшириниб юришган. Жабранувчи Гулчехра Яққасарой туман ИИБнинг тезкор навбатчилик бўлимига ариза билан мурожаат этган. Жиноят қидирув тезкор ходимлари фирибгарларни навбатдаги ана шундай жинояти устида қўлга олишди. ● Чилонзор туманидаги дўконлардан бирининг олдида, 1949 йилда туғилган, ишламайдиган, шу туманда яшовчи Маҳфуза исмли аёл фирибгарлик йўли билан 1984 йилда туғилган, ишламайдиган, Тошкент вилоятида яшовчи Барно исмли ёш аёлнинг ишончига кириб «институтлардан бирига ўқишга киришингизда ёрдам бераман», деб алдаб 6.800 АҚШ долларини олиб, яшириниб келган. ● Чилонзор туманидаги «Чилонзор» буюм бозорида, 1982 йилда туғилган, ишламайдиган, Юнусобод туманида яшовчи Шамсиддин исмли шахс фирибгарлик йўли билан 1983 йилда туғилган тадбиркор, Чилонзор туманида яшовчи Қобулбекнинг ишончига кириб «сотиш учун мато олиб келиб бераман», деб алдаб, унинг 23.000.000 сўм пулини олиб, қайтариб бермасдан яшириниб келган. ● Юқоридаги барча ҳолатлар буйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси билан «фирибгарлик» буйича жиноят иши кўзга тилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда. Юлдуз АШИРОВА, майор, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази катта инспектори

ПОЙТАХТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ЎРТАСИДА БЕШИНЧИ ПАРАОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДАГИ УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИКЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2008 — Ёшлар йили

ПАРАОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ЯҚУНДАНДИ

Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳайтов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, ўз қизиқиши, лаёқати ва интилишига кўра касб-хунар эгаллаши борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги эзгу ишлар ҳажми тобора кенгаймоқда.

Дастурда жисмоний имконияти чекланган ўғил-қизларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, уларни ижтимоий-тиббий, психологик жиҳатдан реабилитация қилиш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масаласи муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Муруват уйлари ўғил-қизлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Параолимпия ўйинлари имконияти чекланган болаларни соғломлаштиришда, жамиятга интеграция-

лашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу беллашувларнинг кўплаб иштирокчилари Россия, Бельгия, Туркия, Канада каби мамлакатларда ўтказилган Параолимпия мусобақаларида муваффақиятли қатнашгани эътиборга моликдир. Спортнинг қатор турлари, жумладан, мини-футбол буйича ўтказилган бу йилги Параолимпия ўйинлари доирасида жойлардаги Муруват уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги спорт майдончалари, стадионлар қуриш ва уларни тегишли жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Параолимпия ўйинларининг финал босқичи доирасида иштирокчилар учун кўплаб қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар, концертлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларига экскурсиялар ташкил этилди. Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳридаги 2-Муруват уйи жамоаси биринчи, Фарғона вилояти жамоаси иккинчи, Қашқадарё вилояти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Фолиб ва совриндорларга ташкилотчилар ва хомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Футбол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

КЕЧА ЭРОН ПОЙТАХТИ ТЕХРОН ШАҲРИДАГИ «ОЗОДИЙ» СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ «САЙПА» ВА ТОШКЕНТНИНГ «БУНЁДКОР» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ЧОРАК ФИНАЛИНИНГ ДАСТЛАВИ УЧРАШУВИ ГУВОҲИ БЎЛИШДИ. Беллашув аввалида мутахассислар мухлислар «Бунёдкор» жамоаси имкониятларига юқори баҳо беришган ва ушбу ўйинда тошкентликлар ғалаба қозонади, дея таҳмин қилишганди. Сабаби кейинги пайтда «Бунёдкор» ўз сафини қилиқил Вильянуэва, бразилиялик Луазо ҳамда жаҳон футбол юлдузи Ривалдо ҳисобига қўйиб қўйиб юборганди. Дарҳақиқат, майдонда тўп билан муомала қилиш, рақибга нисбатан прессинг қўллаш, рақиб дарвозасига ҳавфли ҳужумлар уюштириш борасида биринчи бўлимада Миржалол Қосимов шогирдлари устунлик қилишди. Буни 12-дақиқада Вильянуэва томонидан мезбонлар дарвозасининг ишғол этилиши ҳам яққол исботлади. Аммо, 20-дақиқада Имон Розахитро ҳимоячиларимиз ҳатосидан унумли фойдаланиб ҳисобни тенглаштирди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мухлислар футбол юлдузи Ривалдонинг аҳойиб комбинациялари гувоҳи бўлишди. Биринчи бўлим ўрталарида Ривалдо мезбонлар дарвозасига тўп киритиб, тошкентликларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг бироз хотиржамликка берилган футболчиларимиз майдон марказини меҳмонларга бериб қўйишди. Бу ҳаракат қимматга тушди. Биринчи бўлим аяқланишига 5 дақиқа қолганда Кянчун Шахматий жамоадорлари бошлаб берган ҳужумни самарали яқунлади: 2:2. Иккинчи бўлим тенг курашлар остида ўтди. Ҳар икки жамоа футболчилари томонидан аҳойиб ҳужумлар уюштирилганига қарамай дарвозаларга бошқа тўп киритишнинг имкони бўлмади. Учрашувда қайд этилган 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг «Бунёдкор»нинг ярим финал йўлнамасини қўлга киритиш имкониятини ошириб юборди. Энди Осие чемпионлар лигаси чорак финалининг «Бунёдкор» — «Сайпа» ўртасидаги тақрорий учрашуви Тошкентдаги «МХСК» стадионида 24 сентябрь кўни бўлиб ўтади. (ЎЗ мухбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

19 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА Куннинг рамзи бўлган «Юғраётган йилқилар уюри» инсонларда ижодкорлик руҳи раҳнамо бўлишини билдиради. Ижодий туйғулар уйғониб, яратувчилик қобилияти ишга тушади. Ҳар қандай ишга дадил киришаверинингиз мумкин: улар омадли кун топади. Бир-галликда амалга ошириладиган турли хил машғулотлар самарали бўлиши кутилади. Адолат ҳимоясида бугун муваффақиятга эришасиз — рицарлик фазилатларингизни намойён этишга интилинг. Айни пайтда бугунги кун бирлашиш, келажақ йўлида ўз мулкидан, ўтмишдан воз кечиш кўни ҳам ҳисобланади. Бугун узоқроқ ёлғиз қолмасликка ҳаракат қилинг. Қурилиш, ер, уй-жойлар билан боғлиқ ишлар бугун омадли бўлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

БИЗ БИЛИБ, БИЛМАГАН ДУНЁ

- «Нью-Йорк Таймс» газетасининг штаб-квартираси 52 қаватли бинодан иборат.
● Хиндистонда тўқимачилик санояти 6 минг йил илгари пайдо бўлган.
● Миср эҳромларини 4 минг киши 30 йил курганлиги тахмин қилинади.
● 2007 йилда ер қаъридан 193 минг тонна олтин қазиб олинган.
● 2030 йилга бориб японлар Ойда ўз станцияларини қуришади.
● Исроил аҳолисининг 20 фоизини араблар ташкил этади.
● 2006 йилда дунё буйича 1,1 миллиарддан ортиқ кўп телефони сотилган.
● Японияда ўртача умр кўриш 85 ёшни ташкил қилади.
● Жаҳон буйича тарқалётган наркотик моддаларнинг 90 фоизи Афғонистонда етиштирилади.
● Одам организмнинг 80 фоизи сувдан иборат.
● Берлин кутубхонасида дунёда энг катта — 250 килограммлик харита сақланади.
● Дунёда дастлабки музқаймоқ кафеси 1672 йили Парижда очилган.
● Афинада кимда ким сувун ўйрилса уни ўмарган совуларни тугагунча чўмилтиришади.
● Момақалдиқор пайтидаги чақмоқ ҳаводан миллион тонналаб азотни тортиб олади.
● Ташбақалар секинлик билан катта бўлиб, 150 йилгача яшашади.
● 1986 йили Бангладешда оғирлиги 1 килоли дўл ёққан.
● Уйларни рақамлаш XVIII асрда Лондонда жорий қилинган.
Тўпловчи: Абдунаби МАННОПОВ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г- 806

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни etkazib бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 13.19